

**Бобур ва шарқ тамадуни**

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти Давлат музейи илмий*

*ходимми : Ш.Аҳмаджанова*

Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасини бунёд этиш ҳамда бойитишда қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни, бекиёс ҳиссаси бор. Узоқ тарихий жараён давомида халқимиз дунёга кўплаб ажойиб илм-фан, санъат ва адабиёт намоёндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадиий, қомусий асарлар неча минг йиллардан буён турли халқлар томонидан ўрганиб, эъзозланиб, асрлардан-асрларга ўтиб келмоқда.

Шоҳ ва адиб шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур - буюк подшоҳ мумтоз шоир, назариётчи адабиётшунос, тарихчи, фикихшунос, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони сифатида кўп қиррали фаолият ва ижод соҳиби эди.

Биргина “Бобурнома” унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир. Боур биринчи навбатда шоҳ бобурийлар сулоласининг асосчиси. Балки бобурийлар жаҳон тарихида энг узоқ йиллар (332 йил) ҳукмронлик қилган сулола бўлиб, тарихга танилган.

У подшоҳ сифатида лашкар тортиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг аччиқ аламлари-ю, зафарларнинг улуғвор нашидаларини суришни кўп мартаба ўз бошидан кечирди.

Отаси сингари улуғ ҳимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятининг кичик жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайхбонийдан енгилиб Қобулга кетди. Кейинчалик Ҳиндистондек бепаён йирик мамлакат ҳукмдорига айланди.

Буюк шоҳ шоир Ҳиндистонда Темурийларга хос улуғ бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди. Муҳташам давлат тиклаб қасрлар қурдирди, ариқ ва каналлар қаздирди, боғ-роғлар бунёд этди. Унда адабиёт ва фан

ривожига хомийлик қилиш, элни адолат билан бошқариш сингари фазилатлар мужассам эди.

У “Бобурнома “ асари билан машхур тарихнафис олимлар каторидан ҳам жой олди. Унинг нафис ғазал ва рубоийлари туркий шеърятининг энг нодир дурдоналари бўлиб, “Мубаййин”, “Харб иши”, “Аруз” ҳақидаги рисоалари ислом қонуншунослигини, шеърят ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Қаерда бўлмасин, у бирор- бир янгиликка қўл уришдан олдин бу иш жамият ва салтанат манфаатига хизмат қилишини ҳар томонлама ўйлаб кўрган.

Фарзандларига мактуб ва васиятларида диний, иркий, маънавий кадриятларга зид ҳаракатларни қилмаслик, диний бағрикенглик билан иш юрғизиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

“Бобурнома” даги кўплаб мисоллар цивилизацияга ўта мойил бунёдкор инсон-фақат шоҳ Бобурни эмас, том маънодаги муҳандис Бобурни яратилаётган иншоотининг чинакам жонкуярини кўз олдимизда гавдалантиради.

Бобур Мовароуннаҳрда, Ҳиндистон ва Афғонистонда фақат қурилиш ва ободончилик билан шуғулланмаган, балки туб ислоҳот ишларини ҳам олиб борган. Қисқа бир вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотик масалаларини тўғри йўлга қўйиш, боғ-роғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди.

Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машхур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдириш, айниқса унинг ўғиллари ва авлодлари даврида кенг миқёсда ёйилди

Ҳиндистон санъати ва меъморчилигига Марказий Осиё услубининг кириб келиши сезила бошлади. Бобур ва унинг ҳукмдор авлодлари ҳузурида ўша даврнинг илғор ва зеҳни ўткир олимлари, шоирлари, мусиқашунослари ва давлат арбобларини мужассам этган мукамал бир маънавий- руҳий муҳит вужудга келди.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитни Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавоҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: “Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир –бирларига тутшиб кетди”.

Бобур Ҳиндистонда катта ҳажмдаги давлат ишлари билан бир қаторда ўзининг адабий, бадиий фаолиятини давом эттирди ва юқорида зикр этилган асарларини яратди. Бобурнинг жаҳон оmmasига машҳур бўлган асари бу “Бобурнома”дир.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топган куни кенг нишонлаш анъанага айланган Музей жамоаси Наманган давлат университети тарих ва филология факултетлари ўқитувчи ва талабалари, вилоятдаги маданият бошқармаси тизимидаги ташкилотлар ва вилоятимиздаги “Нодира “ номли ахборот - ресурс маркази билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиб келмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Наманган ҳақиқати газетаси 2018й.
2. А. Азизов Мозий сабоқхонаси
3. Интернет сайти.